

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 253-ҳадис

253 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَاهُ طَالِبٌ

حَاجَةً أَقْبَلَ عَلَى جُلْسَائِهِ فَقَالَ: «اشْفَعُوا تُوجِرُوا، وَيَقْضِي اللَّهُ عَلَى لِسَانِ نَبِيِّهِ مَا أَحَبَّ». مُتَّفَقٌ

عَلَيْهِ. [خ 1432، م 2627].

وَفِي رِوَايَةٍ: «مَا شَاءَ».

253. Абу Мусо ал-Ашъарийдан розияллоху анху ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига ҳожатманд одам келадиган бўлса, бирга ўтирганларга юзланиб, шундай дер эдилар: **«Сизлар шафоатчилик қилаверинглар, ажр олаверасизлар. Аллоҳ Набийсининг тили билан Ўзи яхши кўрган нарсани тақдир қилади».**

Муттафақун алайҳ.

Баъзи ривоятда **«Хоҳлаган нарсаси билан ҳукм қилдиради»** бўлиб келган.

Шарҳ: Шафоат, луғатда бошқа бировга қўшилиб, унга ёрдам бериш ва ёнини олиб, бирор нарсани унинг учун сўрашдир. Кўпинча, шафоат, мартабаси ва ҳурмати юқори шахснинг ўзидан паст одамнинг тарафини олиб унга қўшилишига истемол қилинади. Қиёматдаги шафоат ҳам шундандир. Шафоатчи ўзини, шафоат қилинадиган шахсга унга ёрдам бериш ва унинг учун бир нарсани тилаш учун, қўшади. Шунингдек, Аллоҳнинг ҳузурида шафоат берувчилар ҳам, гуноҳкорларга кўмак берадилар.

Шафоатнинг турлари:

1. Бу улуг шафоат бўлиб, барча пайғамбарлар ичидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига хос қилингандир. Бунинг далили, Бухорий, Муслим ва бошқалар ривоят қилган «улкан шафоат» ҳадисидир.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, яхшиликлари ва ёмонликлари баробар бўлиб қолган одамларни жаннатга киришлари учун шафоат қилишлари.

3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дўзахга амр қилинган одамларни унга кирмасликлари учун шафоат қилишлари.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаннатга кирган одамларнинг амаллари савоби тақозо қилган даражадан юқори даражага кўтариш учун шафоат қилишлари.

5. Баъзи қавмларни жаннатга ҳисобсиз киришлари ҳақидаги шафоат. Бу қисмга далил Укоша ибн Мусонинг ҳадисидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дуо қилиб, Аллоҳ уни жаннатга ҳисобсиз кирадиган етмиш минг кишилардан қилишини сўраганлар. (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

6. Азобга сазовор одамлардан азобни енгиллатиш учун шафоат. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг азобини енгиллатиш ҳақидаги шафоатларига ўхшаш. (Имом Муслим Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан қилган ривоят бунга далилдир).

7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча мўминларга жаннатга кириш изни берилишини сўраб қиладиган шафоатлари. Имом Муслим Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадис бунга далилдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен жаннат ҳақидаги биринчи шафоатчиман», деганлар. Яъни, одамларнинг жаннатга киришлари учун, деганлари.

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз умматларидан гуноҳи кабира қилганларига шафоат қилишлари. Шафоатнинг ушбу тури ҳақидаги ҳадислар кўпдир. Ушбу турдаги ҳадислардан бири: Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг ҳадислари бўлиб, унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шафоатим умматларимдан аҳли кабоирлар (гуноҳи кабира қилганлар)гадир», дейдилар. (Имом Аҳмад ривояти).

Ушбу саккиз тур Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ва шафоат қилинувчига нисбатандир. Энди шафоат шафоатчига қараб ҳам саккиз турли бўлади:

1. Анбиё алайҳиссаломларнинг умматларига шафоати.

2. Фаришталарнинг гуноҳкорларга шафоати.
3. Кичик болаларнинг ота-онасига шафоати.
4. Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлганнинг ўз аҳлидан етмиш кишига шафоати.
5. Қуръонни ёд олган кишининг аҳли байтига шафоати.
6. Мўминларнинг бир-бирлари ҳақидаги шафоати.
7. Қуръони каримнинг ўз қорисига шафоати.
8. Рўзанинг рўзадорга шафоати.

Далил: қуйидаги оятлар:

1. **«У зотнинг ҳузурида шафоат берадиган, фақат Унинг изни ила бўлур».** (Бақара сураси, 255-оят).
2. **«У ишнинг тадбирини қиладир. Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас».** (Юнус сураси, 3-оят)
3. **«Шафоатга молик бўлмаслар. Фақат Раҳмон ҳузурида аҳд олгангина бўлур».** (Марям сураси, 87-оят).
4. **«Ўша Кунда шафоат наф бермас. Фақат кимга Раҳмон изн берса ва унинг гапиришига рози бўлса (наф берур)».** (Тоҳа сураси, 109-оят).
5. **«Ва шафоат бермаслар, фақат кимга рози бўлса (берурлар). Улар Роббиларидан қўрққан ҳолларидадир».** (Анбиё сураси, 28-оят).
6. **«Осмонларда қанчадан-қанча фаришталарнинг шафоатлари ҳеч бир нарсани аритмас. Фақат Аллоҳ хоҳлаган ва рози бўлган одамга изн бергандан кейингина (аритар)».** (Нажм сураси, 26-оят).
7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Бас Аллоҳ таоло: «Фаришталар шафоат берди. Набийлар шафоат берди. Мўминлар шафоат берди. Арҳамур Роҳиймийндан бошқа ҳеч ким қолмади», дейди. Сўнгра дўзахдан бир сиқим олади ва ундан ҳеч бир яхшилик қилмаган одамларни чиқаради», деган ҳадислари. (Имом Муслимнинг Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).
8. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳиднинг олти хислатини баён қилган ҳадислари охирида: «Ва ўз қариндошларидан етмиш кишига шафоат беради», дейилган. (Имом Термизий ва Ибн Можа ривояти).

9. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, менинг умматимдан кўпчиликка шафоат берадиганлар, қабилага шафоат берадиганлар, ота томон қариндошларга шафоат берадиганлар ва бир кишига, токи жаннатга киришлари учун шафоат берадиганлар бор», деганлар. (Имом Термизий ривояти).

10. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рўза ва Қуръон бандага шафоат берадилар», деганлар. (Байҳақий «Шуабул Иймон»да ривоят қилган).

11. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта «Сиқт»-(балоғатга етмай ўлган бола) ота-онасини дўзахга киргизган чоғда Роббиси ила тортишади. Шунда унга: «Эй Роббиси ила тортишувчи бола, ота-онангни жаннатга кирит», дейилади», деганлар. (Ибн Можа ривояти).

Манба: hadis.islom.uz

